

Судланганнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилингани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 23 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2013 йил 18 июлдаги ҳукмига кўра, Ю. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "и" банди билан 17 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ю. 2013 йил 16 февраль куни соат 19 ларда шаръий никоҳидаги Г. билан бирга яшаб келган хонадонда Г.нинг отаси Д. билан келиб чиққан навбатдаги оилавий жанжал вақтида, Г. иккиси яшаб келаётган хонадонга эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида, маст ҳолдаги Д.ни пешона ва қорин соҳасига оёқ-қўллари билан бир неча мартаба уриб-тепади сўнг ошхона пичоғи билан чап кўкрак ва қорин қисмига икки мартаба уриб, таъмагирлик ниятида Д.ни қасддан ўлдирганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори ўн тўртинчи бандида, айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар учун моддий наф кўриш (пул, мол-мулкни ёки унга эгалик ҳуқуқини, турар жойга нисбатан ва шу каби ҳуқуқларни қўлга киритиш) ёки моддий харажатлардан (мол-мулкни, қарзни қайтаришдан, хизматга ҳақ тўлашдан, мулкий мажбуриятларни бажаришдан, алимент тўлаш ва шу кабилардан) қутулиш мақсадида қасддан одам ўлдириши таъмагирлик ниятида содир этилган жиноят сифатида (Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми "и" банди билан) квалификация қилиниши лозимлиги тушунтирилган.

Бироқ суд томонидан юқоридаги ҳолатда ушбу Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш хужжатларидан кўринишича, Ю. турмуш ўртоғи Г. билан қайнонаси Л.га тегишли хонадонда яшаб келган.

Турар жой Д.нинг эгалигида бўлмагани сабабли, унинг ўлими Ю.га мазкур хонадонни ўзининг ёки бошқа шахснинг эгалигига олиш ёки эгаликка ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритишга шароит яратмаслиги, Д.нинг ўлдирилиши Ю.нинг оилавий муносабатлари яхшиланишига ва хонадонда яшаш ҳуқуқини келтириб чиқармаслигига эътибор қаратилмасдан, унинг ҳаракати таъмагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш сифатида нотўғри квалификация қилинган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 12 мартдаги ажрими билан Ю.нинг ҳаракати Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "и" бандидан ушбу кодекснинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, унга 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Назорат иши № 5-52-15